Кана

Чивин

Пашша

Ари

Қовоқ ари

Сариқ ари

Насекомые

Муравей

Паук

Скорпион

Бабочка

Блоха

Клещ

Комар

Муха

Пчела

Шмель

Оса

Балиқ

Олтин балиқ
Чўртан балиқ
Осётр
Белуга
Лаққа балиқ

Ўсимликлар

Гул
Атиргул
Лола
Бинафша
Наргиз

Рыбы

Золотая рыбка
Щука
Осётр
Белуга
Сом

Растения

Цветок
Роза
Тюльпан
Фиалка
Нарцисс

Дарахтлар

Оқ қайин

Арча

Терак

Эман

Қайин

Деревья

Берёза

Ёлка

Тополь

Дуб

Сосна

Давлат тузилмаси

Президент

Олий кўмондон

Ҳукумат

Бош вазир

Государственная структура

Президент

Верховнокомандующий

Правительство

Премьер-министр

Ҳукумат раиси	Председатель правительства
Вазир	Министр
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	Министерство по чрезвычайным ситуациям (МЧС)
Ички ишлар вазирлиги	Министерство внутренних дел (МВД)
Ташқи ишлар вазирлиги	Министерство иностранных дел (МИД)
Федерал Ҳавфсизлик Хизмати	Федеральная Служба Безопасности (ФСБ)
Қуролли кучлар	Вооруженные силы
Адлия вазирлиги	Министерство юстиции
Давлат Думаси	Государственная Дума

Халқ депутаты
Конституциявий Суд
Бош прокурор

Народный депутат
Конституционный Суд
Генеральный прокурор

Фойдали маълумотлар

*Тезкор ёрдам
хизматларига шаҳар
телефонларидан
кўнгироқ қилиш (бепул):*

01 - Ўт ўчириш хизмати
02 - Полиция
03 - Тиббий тез ёрдам
04 - Газ хизмати

Полезная информация

*Звонки с городских
телефонов в службы
экстренной помощи
(бесплатно):*

Пожарная охрана
Полиция
Скорая помощь
Служба газа

*Тезкор ёрдам хизмат-
лариға мобил телефо-
нидан қўнғироқ қилиш,*

*МТС, Мегафон, Ютел
операторлари учун:*

010 - ЎТ ўчириш хизмати

020 - Полиция

030 - Тиббий тез ёрдам

040 - Газ хизмати

*Вызов экстренной
помощи с мобильного
телефона:*

*для операторов МТС,
Мегафон, Ютел:*

Пожарная охрана

Полиция

Скорая помощь

Служба газа

***Билайн оператор-
лари учун:***

- 001 - Ўт ўчириш хизмати
- 002 - Полиция
- 003 - Тиббий тез ёрдам
- 004 - Газ хизмати

***ТЕЛЕ2 оператор-
лари учун:***

- 02* - Полиция
- 01* - Ўт ўчириш хизмати
- 03* - Тиббий тез ёрдам
- Барча ёрдам хизматлари

***для операторов
Билайн:***

- Пожарная охрана
- Полиция
- Скорая помощь
- Служба газа

***для операторов
ТЕЛЕ2:***

- Полиция
- Пожарная охрана
- Скорая помощь
- Существует единый

учун ягона
рақам мавжуд -
911 ёки 112

Барча фавқулодда
хизматлар телефонига
қўнғироқлар БЕПУЛ
Сиз тезкор ёрдам
хизматлари билан доимо
боғланишингиз мумкин,
хаттоки рақамингиз пул
тўланмаганлиги боис
узилган бўлса ҳам

телефонный номер
службы спасения -
911 или 112

На все телефоны
экстренных служб
ЗВОНОК БЕСПЛАТНЫЙ
Вы можете связаться
со службами экстренной
помощи даже в том
случае, если Ваш номер
заблокирован за неуплату

Ишга рухсатнома олиш борасида

Ишга қабул қилишнинг шартларига кўра чет эллик фуқаро 18 ёшга тўлган бўлиб, Россияда ишлаш рухсатномасига эга бўлсагина Россия ҳудудида меҳнат Фаолиятини олиб бориши мумкин. Рухсатнома олиш учун фуқаро Россия Федерал Миграция Хизмати ҳудудий органига вақтинчалик яшаши қайд этилган миграцион картаси ва тасдиқланган шаклда рухсатнома олиш учун ариза билан мурожаат этиши лозим.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- * Ариза нусхаси
- * 30 X 40 мм ҳажмдаги рангли сурат
- * Шахсни тасдиқловчи ҳужжат

* Чегара назорати пункти тасдиғидан ўтган миграцион карта

* Чет эллик фуқаронинг ишга рухсатнома олиши учун давлат божи тўланганлиги қвитанцияси.

Ишга рухсатнома олиш учун тўланадиган давлат божи 1000 рублни ташкил этади.

Ишлашга келган чет эллик фуқаро мамлакатда бир йилгача меҳнат рухсатномасини олиши мумкин. Бунинг учун фуқаро вақтинча яшашни қайд этувчи (90 кунлик) ҳужжат билан ФМХ ҳудудий органига мурожаат қилиб, қайтадан рухсатнома олиши лозим. Бордию, фуқаро ишлаш мақсадида рухсатномани чўзиш учун мурожаат қилмаса, у ҳолда 2000-5000 рубль миқдорида штраф тўлаш йўли билан маъмурий

жавобгарликка тортилади, айрим ҳолларда чет эллик фуқаро маъмурий тарзда мамлакатдан чиқариб юборилиши мумкин.

Бу каби ҳолатларда фуқаро Россия Федерациясига 5 йил муддатга киритилмайди.

Пойтахт қайси касбдаги мутахассислигига муҳтож?

Битта иш ўрнига кўрсатилган резюме ҳисобида:

Слесарь	0,67	Қоровул	1,00
Электрик	0,92	Сборщик (йиғувчи)	1,07
Механик	0,95	Фасовщик (қадоқловчи)	1,10
Юк ташувчи	0,99	Авто марказ мастери	
Ҳайдовчи	1,00	(уста)	1,20

«Тезкор линия» иш жадвали

Телефон тармоқлари орқали Москва шаҳридаги Федерал Миграция Хизмати Бошқармаси бўлимлари иш жадвали билан танишиш, шунингдек, паспорт-визага доир хужжатларни расмийлаштириш ҳақида маслаҳатлар олиш мумкин.

Москва шаҳар Федерал Миграция Хизмати Бошқармаси бўлимлари 8(499) 238 64 00, 8(499) 238 64 04, 8(499) 238 77 13, 8(499) 230 70 24, 8(499) 230 73 21 «Тезкор линия» иш жадвали Душанба, сешанба, пайшанба соат 10.00 дан 17.00 гача Чоршанба, жума соат 10.00 дан 16.00 гача Тушлик соат 13.00 дан 14.00 гача.

Элчихоналар

Ўзбекистон Элчихонаси

119017, г. Москва,

Погорельский пер., 1 2 (м.Полянка)

Телефон: +7(499) 2301301,

+7(499) 2300054 - виза масалалари бўйича

Қирғизистон Элчихонаси

119017, г.Москва

ул.Большая Ордынка

д.62/1(м.Добрынинская)

Тел.: +7(499) 2385069, 2374391

Тоҷикистон Элчихонаси

119017, г.Москва,

Скатертный пер. 19 (м.Баррикадная)

Телефон: +7 (495) 6905736

Шереметьево аэропортидан Москва марказига бориш

Автобусда

Автобус № 851 Терминал В – Терминал F – Терминал D – станцияларидан «Речной Вокзал» метро бекатига юради. (йўл вақти – 30–50 дақиқа). Автобуслар ҳар куни соат 06:35 дан 00:49 гача қатнайди. Автобус № 817 Терминал F – Терминал D – Терминал b – маршрути буйича «Планерная» метро

бекатига боради (йўл вақти – 30–50 дақиқа). Автобус интервали соат – с 05:30 дан 00:08 гача Маршрут таксисида № 949 и 948 маршрут таксилари «Речной Вокзал» ва «Планерная» метро бекатларига соат 06:45 дан 21:45 гача қатнайди (жўнаш – такси тўлганда). Йўл вақти – 30–60 дақиқа.

Таксида

Такси Терминала F кўниш зонаси ва Терминал В қаршисидан кечаю-кундуз қатнайди.

8 (495) 981-08-81 телефонида таксига буюртма беришингиз мумкин. Шаҳар марказигача йўл вақти 40 дақиқадан 2 ва ундан кўпроқ соатни ташкил этиши мумкин.

Электрпоездда

Электрпоезд «Аэроэкспресс» Белорус вокзалига Е ва F Терминаллари ёнида жойлашган темир йўл платформасидан қатнайди. Йўл вақти – 35 дақиқа. D, E, F терминалларида ер ости йўли билан поездга борилади. С терминалидан «Аэроэкспресс» платформасига замонавий автобус-шаттл қатнайди. В терминалидан № 20 маршрут таксиси қатнайди.

Электрпоезд эрталабки соат 5:00 дан қатнай бошлайди. Жўнаш ҳар ярим соатда Охирги поезд соат 00.30 да жўнайди. Йўл ҳақи 320 рубль.

Домодедово аэропортидан Москва марказига бориш

Автобусда

«Автолайн» ва «Мострансавто» расмий автобуслари Домодедово метро бекатигача ва кайтишга тинимсиз қатнайди. Йўл вақти 25-30 дақиқа. Ҳар 15 дақиқада қатнайди. Йўл ҳақи 100 рубль. 7 ёшгача бола учун қатнов бепул. Юкка қўшимча ҳақ олинмайди. Автобус платформаси аэропортдан 100 метр масофада.

Маршрут таксисида

«Автолайн», «Альфа-Мобил», «Мострансавто» расмий маршрут қатнови таксилари Домодедово метро бекатигача ва

кайтишга соат 6:00 дан 24:00 гача қатнайди. Йўл вақти 25-30 дақиқа. Ҳар 15 дақиқада қатнайди.

Тунги соат 00:00 дан эрталабки соат 06:00 гача ҳар 40 дақиқада қатнайди.

Йўл ҳақи 120 рубль. Юкка қўшимча ҳақ олинмайди.

Электрпоездда

Электрпоезд «Аэроэкспресс» Павелецкий вокзалига аэропорт ёнида жойлашган темир йўл платформасидан қатнайди. Йўл вақти-40 дақиқа.

Электрпоезд эрталабки соат 6:00 дан қатнай бошлайди. Ҳар ярим соатда жўнайди, охириги поезд соат 00.30 да жўнайди.

Йўл ҳақи 320 рубль.

Внуково аэропортидан Москва марказига бориш

Автобусда

Аэропортдан “Юго-Запад” метро бекатигача № 611, 611с, 611ф шаҳар автобуслари қатнайди.

Йўл вақти 35 дакика.

Маршрут таксисида

№ 45 маршрут таксиси “Юго-Запад” метро бекатига қатнайди.

Йўл 100 рубль ва ҳар бир юк жойи учун 10 рубль тўланади.

Электрпоездда

Электрпоезд «Аэроэкспресс» аэропорт А терминалининг ерости платформасидан Киев вокзалигача қатнайди. Йўл вақти -35 дақиқа.

Электрпоезд эрталабки соат 6:00 дан қатнай бошлайди. Ҳар соатда қатнайди. Охириги поезд соат 00.00 да жўнайди. Йўл ҳақи 320 рубль.

Москва транспорти

Метро

Метро эрталабки соат 5:30 дан очилади, ўтиш йўллари соат 1.00 да беркитилади. Метро кассаларида 5, 10, 20 ёки 60 та қатнов учун чипталар сотиб олиш мумкин. Бир қатнов

нархи 30 рубль туради. Агар метрода бирорта буюмингизни йўқотган бўлсангиз 8 (495) 622 2085 – метро топилмалар столига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Ерусти транспорти

Автобус, троллейбус ва трамвай чипталари 30 рубль туради. “Мосгортранс” кассаларидан ёки транспорт ҳайдовчисидан чипталар сотиб олишингиз мумкин.

Россия тарихидан Из истории России

1699 йил 20 декабрда Россия подшоҳи Пётр I мамлакат янги йилномага ўтиши, яъни Янги йил 1 сентябрдан 1 январга кўчирилиши борасида фармойиш чиқарган. У 1700 йил 1 январда Гостиной саройи қандай безатилган бўлса, одамларнинг уйларини ҳам арча, қайрағоч, ел дарахтлари шохлари билан безатилиб, барчадан Янги йил бошланганини тантани қилишни фармойиш орқали талаб қилган. Москванинг Қизил майдонида замбарак ва куруллардан ўқ узилиб, йил бошланиши тантана қилинган.

* * *

Россияда XVII асрга қадар давлат байроғи бўлмаган. Байроқ подшоҳ Алексей Михайлович (1629-1676 йиллар) даврида рус флоти ташкил топиши билан боғлиқ пайдо бўлган. Подшоҳ буйруғига асосан 1668 йили голланд муҳандиси Давид Бутлер биринчи рус ҳарбий кемаси “Орёл” ни қурган. Ғарбдаги анъанага кўра, кемада давлат байроғи ўрнатилиши лозим эди. Алексей Михайлович бу масалани ҳал этиш учун, инженердан Голландия байроғи ҳақида сўрайди. Бутлер Нидерландиянинг байроғи 1630 йилдан бери уч хил рангда, яъни байроқнинг юқори қисми қизил, ўртаси оқ ва таг қисми мовий эканини айтади. Россия байроғи ҳам уч хил рангда тикилади. Фақат бу ерда байроқнинг юқори қисмини оқ, сўнг мовий ва қизил ранглар эгаллайди.

Пётр I (1672 - 1725 йиллар) отасининг анъанасини давом эттиради ва кемалар “Москва подшоҳи байроғи” остида сузадилар. Бу ҳол ўттиз йил

давом этади. 1712 йили ҳарбий кемаларга Андрей Первозванный байроғини тиклаш ҳақида фармойиш чиқади. Оқ - мовий - қизил рангдаги байроқ остида фақат фуқаро кемалари сузадилар.

Пётр даврида оқ ранг - эркинликни, мовий- Богородица (Биби Мариям), қизил ранг эса рус ҳокимиятининг қувватини англатган. Лекин байроқ расман тан олинмаган ва XIX асрнинг ўртасига келиб бу масала император Александр II (1818-1881йиллар) томонидан ҳал этилган.

* * *

Россия гербидаги икки бошли бургут сурати асли Византия империясидан мерос бўлган. Мазкур бургут Византияда ҳукмронлик қилган Палеолог императорлари сулоласи рамзи ҳисобланган. Иван III Софья Палеологга уйланганидан сўнг, давлат рамзидаги илонни янчиётган

Георгий Победоносец тасвири иккибошли бургутга алмашилган. Бу таназзулга учраган Византия империяси қудратининг Рус давлатига мерос қолдирганининг тимсоли эди. Рус давлатини Иван III бошқарган даврда иккибошли бургут князь олийлари мухридан ўрин эгаллаган. Иван Грозний ҳукмронлиги пайтида эса иккибошли бургут биринчи бор давлат герби сифатида қабул қилинган. Кейинчалик бургут кўкрагига Москва ва Москва князлиги тимсоли бўлмиш Георгий Победоносец тасвири жойлантирилган.

Подшоҳ Алексей Михайлович Романов даврида бургут тасвири давлат рамзи - скипетрга туширилган ва бу ҳокимиятнинг ажралмас атрибути саналган. Пётр I даврида бургут қора рангда бўлган. Император Павел I ҳукмронлиги чоғида эса бургут гербига Мальтия крести (хочи) жойлаштирилган.

Ўтган аср бошидаги Феврал инқилобидан сўнг иккибошли бургут герби

Ўз аҳамиятини йўқотади. 1918 йили янги давлат герби қабул қилиниб, унда ўроқ ва болға тасвири акс топганди. Россия Федерациясининг ҳозирги давлат герби 1993 йили қабул қилинган. Унда олтин рангида иккибошли бургут рамзи тасвирланган.

Москванинг барпо этилиши

Рус халқи тарихида Москва илк бор 1147 йили қайд этилган. Унга кўра Суздаль князи Юрий Долгорукий бу ерга қариндоши Чернигов князи Святославни меҳмонга чақирган. Аслида шаҳар бундан бир неча йил муқаддам фожиаги бир воқеа сабаб Юрийнинг қарамоғига ўтганди.

Кунларнинг бирида Юрий ўз дружинаси билан Киевдан Владимир шаҳрига қайтаётиб, йўл-йўлакай князь кўркем манзилда жойлашган бадавлат бир қишлоқда дам олмоқчи бўлади. Бироқ қишлоқ барини

қароргоҳида таъмирлаш ишлари кетаётганини рўқач қилиб, князь ва уламоларни қабул қилмайди. Ғазабланган Юрий “меҳмондўст” баринни қатл қилмоқчи бўлади. Барин Кучка Юрийга қарши жанг қилади, лекин тез орада енгилиб, ўрмонга яширинади. Князнинг одамлари баринни топиб қатл қиладилар.

Юрий бу хушманзара маконда шаҳар қуради ва уни шу ерда оқаётган Москва дарёси номи билан атайди. Қатл қилинган бариннинг қизи Улитани Юрий ўғли Андрейга келин қилиб, ўғиллари Яким ва Пётрни хизматига олади. Шуниси қизиқки, Андрей Боголюбскийнинг онаси асли ярим қипчоқ, яъни Аюб хоннинг қизи бўлган. Демак, князь Андрей ярим туркий бўлган.

Орадан йиллар ўтиб, 1174 йили Яким Кучкович ғалаён кўтариб князь Андрейни ўлдиради. Айрим маълумотларга кўра, бу отаси ўлдирилганинг қасоси бўлса, бошқасига кўра - бу қатл этилган акаси Пётр учун ўч эди.

Москва айнан қайси ҳудудда ташкил топгани борасида олимлар кўплаб баҳс-мунозаралар юритишган. Айрим маълумотларда кўра, шаҳар дастлаб Чистые пруди ва Мясницкий кўчаси яқинидаги Кучково майдонида қад кўтарган. Князь Юрийга манзур бўлган қишлоқ айнан шу ерда жойлашган бўлиши ҳам мумкин.

1610 йили шаҳарга поляклар ҳужум қиладилар. Рюриковичлар сулоласи сўнгандан сўнг Москва таназзулни бошдан кечиради, кўпгина бояринлар Польша қироли Сигизмундни тан оладилар. Шаҳарга жойлашиб олган муҳожирлар бўлажак ўлпон ва совғаларга умид боғлайдилар. Лекин вазият танглашади, Негаки поляклар қироли Сигизмунд православия мазҳабига ўтишдан бош тортади. Бу воқеа русларни ғазаблантиради. 1612 йили Нижегород етакчиси Кузьма Минин ва князь Пожарскийлар раҳнамолигида руслар полякларни Россиядан қувиб чиқадилар. Мазкур қаҳрамонларнинг ҳайкали Қизил майдонда қад кўтариб турибди. Шу

воқеадан сўнг Наполеон кўшинларига қадар Москвага бегоналарнинг оёғи етмаган.

Москванинг кўпгина кўчалари ўзбекча номланган: Фарғона кўчаси, Фарғона проезди, Тошкент кўчаси, Тошкент переулоғи, Самарқанд бульвари. Буларнинг барчаси шаҳарнинг жанубий қисми, яъни Ўзбекистонга бўлган йўналишда жойлашган. Шунингдек, Москвада Малая Грузинская кўчасидан тортиб Литовский булваригача бошқа миллатлар номи билан аталувчи кўчалар мавжуд.

Грузинлар номи билан боғлиқ кўчалар қадимдан мавжуд. 1729 йили шаҳар чегарасида жойлашган Воскресенское қишлоғи грузин подшоҳи Вахтанг VI га тортиқ қилинган ва у ерда Грузиядан келган одамлар яшаган. Грузия эса 1801 йили Россия Империяси таркибига киритилган.

Москвада Большая Ордынка кўчаси бор. Ўрта асрларда савдогарлар бу кўчадан Олтин Ўрдага қараб йўл олганлар. Кўча бўйлаб эса шарқлик

савдогарлар яшайдиган даҳалар жойлашган. 1220 - 1388 йиллари Шимолий Хоразм худудлари Олтин Ўрдага қараган. Кейинчалик Хива, Бухоро ва Кўқон хонликларидан келган савдогарлар ҳозирги Варварка яқинидаги Зарядье районида истиқомат қилишган.

* * *

1918 йил 12 март Москвага Россиянинг пойтахти мақоми қайтарилган кун. Шаҳар москвалик князлар ҳукм сура бошлаган XIV асрдан буён мамлакатнинг маркази ҳисобланган. Бироқ, 1712 йили император Пётр Биринчи император саройини янги қурилган шаҳар - Санкт-Петербургга кўчиришга қарор қилади. Унинг фикрича, пойтахтнинг Европага яқин кўчирилиши, мамлакатнинг ривожланган ушбу қитъа ютуқларини тезроқ ўзлаштиришига хизмат қилиши лозим эди. Орадан 200 йил ўтгач, Биринчи Жаҳон Уруши арафасида Санкт-Петербург номи русона Петроградга

ўзгартирилади. 1917 йили инқилоб содир этилади ва мамлакат фуқаролар уруши домида қолиб кетади. Немис кўшинларининг шаҳарга таҳдид солгани боис, большевиклар пойтахтни қадимда доимо пойтахт бўлган – Москва шаҳрига кўчирадилар.

* * *

1857 йил 11 апрел Александр II Россия империясининг икки бошли бургут тасвири туширилган гербини тасдиқлади. Аслида бу герб бир неча аср хизматда бўлган. Лекин ҳар бир шоҳ даврида унинг кўриниши ҳар-хил бўлган. 1857 йили Сенат янги герб ва ундан фойдаланиш нормасига оид Фармойишни тасдиқлади. 1917 йили большевиклар мамлакатнинг байроқ, герб ва бошка рамзларини ўзгартирдилар. Фақат 1993 йили президент Ельцин давлат гербига икки бошли бургутнинг тасвирини қайтарди.

* * *

1762 йил 25 октябрда Қиролича Екатерина Иккинчи чет элликларнинг одамлари кам сонли ерларга кўчиб келишига рухсат берувчи фармойишга имзо чеккан. Гап биринчи навбатда Волга бўйи, Украина ва Қримда яшаётган одамларга таалукли эди. Екатеринанинг фикрича, мутахассислиги бор муҳожирлар мамлакат иқтисодиёти ривожига улкан ҳисса қўшиши мумкин эди. Чет элликларга берилган «имтиёзлардан» унумли фойдаланган ҳолда, Оврупадан муҳожирлар, жумладан немислар Волга соҳилига оқиб кела бошлаганлар. Россия фуқаролигини олган немислар XX асрга қадар Саратов, Волгоград вилоятларида жам бўлиб яшаганлар.

* * *

1480 йил 20 октябрда «Ургадаги жанг» мўғулларнинг Русдаги хукмронлигига барҳам берди. 1476 йили Москванинг буюк князи Иван III Олтин Ўрдага товон тўлашдан бош тортади. Хон Ахмат бундан ғазабланиб, князни жазоламоқчи бўлади. У бор аскарларини йиғиб, ҳозирги Калуга вилоятининг Угра дарёси соҳилига келади. Лекин соҳилнинг нариги томонидан кескин ўққа тугилган хон аскарлари дарёдан ўтолмайдилар. Икки кунлик сарсонликдан сўнг, Ахмат хон жангсиз ортга қайтишга қарор қилади. Унинг армиясида дизентерия касаллиги авж олади, қаровсиз қолдирилган пойтахт саройига Иваннинг кучли қўшинлари йўл олади. Чекинишга мажбур бўлган хон тез орада обрўсини йўқотиб, иттифоқчиси томонидан ўлдирилади. Москва князлиги эса кучая бошлайди ва ярим аср ўтгач марказлашган кучли мамлакатга айланади.

* * *

1714 йил 7 август куни Пётр Биринчи бошчилигида рус флоти шведлар устидан ғалаба қозонган. Бу жанг Гангут бўғози (ҳозирги Финляндия) да бўлиб ўтган. Гангут жанги Россия флотининг Болтиқ денгизида эркин сузиши ва 1721 йили тугаган Шимолий урушдаги Швециянинг енгилишига замин яратган. Жанг ниҳоясида Болтиқ ерларидан ҳозирги Латвия ва Эстония ҳудудлари Россияга қўшиб олинган. Шу йилдан бошлаб Россия расман империя ҳисобланиб, подшоҳ - император деб атала бошланган.

* * *

19 августда Россияда “Яблочный Спас” куни нишонланади. Бу қадимги рус байрамларидан бири бўлиб, бугунги кунда кўпчиликнинг ёдидан кўтарилган.

Айтишларича, 19 август туни совуқроқ келиб, шу кундан бошлаб куз бошланади. Байрамнинг Олма номи билан аталгани ҳам бежиз эмас, чунки бу пайтга келиб Россияда олмалар фарқ пишади. Одамлар шу куни бир - бирларини олма билан меҳмон қиладилар, ушбу мевадан турли пишириклар, мураббо, компотлар тайёрлайдилар. Қизиғи шундаки, Россияда юз йиллар давомида айнан шу куннинг қандай келишига қараб куз ва қиш фасллари башорат қилганлар. Бордию 19 август куни куни ёмғир ёғса, кузнинг ёгингарчиликка бой бўлиши ва аксарият, шу кун куюшли бўлса, қахратон қиш бўлишини башорат қилганлар.

* * *

1991 йил 6 сентябрда Ленинград шаҳрига унинг аввалги номи Санкт Петербург қайтарилди.

1703 йили Нева дарёси бўйида қат кўтарган бу шаҳарга Пётр I асос солганди. Ислоҳотчи шоҳ немис маданиятини яхши кўргани боис, шаҳар ҳам немисона - Санкт-Петербург номига эга бўлади. Бироқ, 1914 йили биринчи Жаҳон Уруши бошланиб, унда немислар русларнинг ашаддий душманига айланади. Шунинг учун руслар ўз миллий ғурурига таяниб, шаҳар номини русчалаштирадилар, яъни “Петроград” деб атайдилар. 1924 йили большевиклар инқилоби доҳийси Ленин вафот этади ва шаҳарга унинг номи берилади.

* * *

1812 йил 7 сентябрда Москванинг ғарбида жойлашган Можайск яқинида XIX асрдаги энг қонли ҳисобланмиш - Бородино жанги бўлиб ўтган.

Бу Россия ва Франция ўртасидаги урушни ҳал қилувчи воқеа бўлди. Унда икки тарафдан камида 250 000 нафар одам қатнашган. Қизиғи шундаки, французлар ҳам, руслар ҳам ушбу жангдаги ғалабани ўзиники ҳисоблайдилар. Аслида Бородино майдонини француз армияси эгаллайди, руслар тартибли равишда чекина бошлайдилар. Французлар Москвани эгаллайдилар (у пайт шаҳар пойтахт мақомида эмасди). Бироқ, кескин жанглар оқибатида француз армияси ҳолдан тояди ва чекинишга мажбур бўлади. Октябрь ойида французлар Москвани тарк этиб, деярли жанг майдонидан қоча бошлайдилар. Уруш французларнинг мутлақ мағлубияти билан яқунланган. 600 000 аскардан иборат армия билан Россияга ташриф буюрган Наполеон Россиядан 40 000 аскари билан қайтган.

* * *

1380 йил 21 сентябрда Москва князи Дмитрий бошчилигида Олтин Ўрда беклар беги Мамай устидан ғалаба қозонган - Куликова жанги бўлиб ўтган.

Аслида Мамай чингизий бўлмаган, расман тахтда ўтирмаган, лекин қўғирчоқ хонлар номидан иш юритган. Жангда руслар қўли устун келади, Мамай Қримга қочади. Дашти Қипчоқ тахтига (Олтин Ўрданинг бошқа номи) Тўхтамиш ўтиради. Қизиғи шундаки, Тўхтамишнинг тахтни эгаллашига буюк соҳибқирон Амир Темур ёрдам берган. Лекин Тўхтамиш соҳибқирон илтифотига нонқўрларча муносабда бўлади ва охир-оқибатда буюк саркарда томонидан жазоланади.

1240 йилдан бошлаб Рус ўлкасининг катта қисми Олтин Ўрда хонлиги ҳукмида бўлиб, 1480 йилга қадар рус князлари хонликка ўлпон тўлашган. Бироқ, Куликово жангидан сўнг Москва князлиги кучая борган ва келажакда Россия мамлакати марказига айланган.

* * *

1649 йил 3 октябрда Земский собор (муҳим масалалар бўйича йиғинлар ўтказадиган Рус подшоҳлигининг парламенти) “Соборное уложение”, яъни давлат ташкилотидан тортиб, оилаларни тартибга келтирувчи қонунлар мажмуасини қабул қилади. Жумладан, ушбу қонунга кўра, деҳқонлар ерга бириктирилган ва уларнинг кўчиб юришга ҳақлари бўлмаган. Ёзма шартномалар тузиш жорий этилади. Далилий ашё билан қўлга тушган ўғрини ўлдиришга ҳам рухсат берилган. Никоҳдан 15 ёшдан ўтиш мумкин бўлган. Энг қизиғи шундаки, ислом динини қабул қилган православ кишиларга нисбатан қаттиқ жазо белгиланган. Уларни тириклайин ёқиб юборишга рухсат берилган. Ушбу қонунлар мажмуаси 1845 йилгача гарчи ўзгартиришлар киритилган бўлсада, сақланиб қолган.

* * *

1945 йил 16 октябрда СССР таркибига Болтиқ денгизи бўйидаги Кенигсберг, ҳозирдаги Калининград шаҳри киритилган. XIII асрга қадар ушбу шаҳар века германларнинг Тевтон ордени пойтахти ҳисобланган, кейинчалик Прусс Қироллиги маркази саналган. Шаҳарнинг энг машҳур фуқароларидан файласуф Иммануил Кант, ёзувчи Эрнст Гофман ва унинг қаҳрамони барон Мюнгхаузен ҳисобланади. Иккинчи Жаҳон уруши чоғида Шарқий Пруссияда 120 мингдан ортиқ совет аскарлари, шунингдек, тошкентлик генерал Сабир Рахимов ҳалок бўлган. Урушдан сўнг ушбу шаҳар СССР таркибига киритилиб, унда истиқомат қилган маҳаллий немис халқи Германияга кўчирилган. 1946 йили Кенигсберг Советлар парламенти раиси Михаил Калинин номи билан атала бошланган.

* * *

1762 йил 25 октябрда Қиролича Екатерина Иккинчи чет элликларнинг одамлари кам сонли ерларга кўчиб келишига рухсат берувчи фармойишга имзо чеккан. Гап биринчи навбатда Волга бўйи, Украина ва Қримда яшаётган одамларга таалукли эди. Екатеринанинг фикрича, мутахассислиги бор муҳожирлар мамлакат иқтисодиёти ривожига улкан ҳисса қўшиши мумкин эди. Чет элликларга берилган «имтиёзлар»дан унумли фойдаланган ҳолда, Оврупадан муҳожирлар, жумладан немислар Волга соҳилига оқиб кела бошлаганлар. Россия фуқаролигини олган немислар XX асрга қадар Саратов, Волгоград вилоятларида жам бўлиб яшаганлар. 1917 йили Волга бўйи ўлкасида немисларнинг автоном республикаси барпо этилган. Иккинчи Жаҳон уруши бошланиши билан ҳукумат немисларни Сибир ва Қозоғистонга кўчириб ташлашга қарор қилади.

* * *

1894 йил 2 ноябр. Бу куни тахтга Россиянинг охирги императори Николай II ўтирган. Унинг пешонасига иккита уруш ва учта инқилобни бошдан ўтказиш ёзилганди. Дастлаб Япония (1904-1905) билан уруш бўлиб ўтди, кейин 1905-1907 йиллари мамлакатда инқилоб содир этилди. 1914 йили Биринчи Жаҳон уруши бошланди. Бу давр Россияда 1917 йилги Февраль инқилоби билан якунланди.

* * *

1721 йил 22 октябрда Сенат Пётр I император деб эълон қилган. Шундан сўнг Россия расман Россия империяси ҳисобланган.

* * *

1917 йил 7 ноябр. Петроград (Санкт-Петербург) даги Қишки сарой ишғол қилинди. Бу воқеа Октябрь инқилобининг бошланиши эди. 1991 йилга қадар бу сана СССР да байрам сифатида тантана қилинган.

* * *

1967 йил 4 ноябрда Москвадаги 540 метрга бўй чўзган Останкино телеминораси қурилиши якунланди. Бу ўша даврдаги дунёдаги энг баланд минора ҳисобланган. Фақат 1976 йили Канаданинг Торонто шаҳрида қурилган минора ундан устун кела олди.

* * *

1719 йил 10 ноябрда Пётр I мамалакда паспорт тизимини жорий этади. Шундан бошлаб Россия фуқаролари мамлакат чегарасидан ўтаётганда ушбу хужжатга эга бўлиши керак бўлган. Шунга айтиш лозимки, мамлакат аҳолининг деярли кўпчилигини деҳқонлар ташкил этгани билан уларга паспорт берилмаган. У пайтлар паспорт махсус қоғоздан қилинган расмий хат кўринишига эга бўлган. Фақат 20 аср бошида россияликлар паспорти бугунги кун кўринишига яқин ташқи кўринишига эга бўлди.

* * *

1991 йил 8 декабрда Беларуснинг Брест шаҳрига яқин Вискули оромгоҳида РСФСР Президенти Борис Ельцин, Украина Президенти Леонид Кравчук

ва Беларусь Республикаси Олий Кенгаши раиси Станислав Шушкевичлар СССР нинг парчаланиши ва Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги барпо этилганига доир Келишувни имзоладилар. Ҳужжатда СССР давлати халқаро ҳуқуқ объекти ва геосиёсий воқелик сифатида бартараф этилгани қайд этилди.

* * *

1790 йил 24 декабрда машҳур рус саркардаси Суворов бошчилигида рус кўшинлари туркларнинг Исмоил кўрғонини ишғол қилган кун. Бу кўрғон енгилмас ҳисобланган. Уни жануб томондан Дунай дарёси ҳимоя қилган, атрофи 12 метрли ғов билан ўралган ушбу кўрғон француз ва немис муҳандислари томонидан замон талабида қурилган. Кўрғон гарнизонида 35 минг аскар ва 265 дона замбарак бўлган. Кўп қон тўкилишини хоҳламаган Суворов, кўрғон комендантига таслим бўлиш борасида элчи жўнади.

Бирок комендант шундай жавоб беради: «Осмон узилиб, ерга тушиши мумкин, Дунай тескари оқиши умкин. Лекин Исмоил таслим бўлмайди!». 22 декабрь куни кўрғонни ишғол қилиш ҳаракати бошланади. Русларнинг дарё флоти кемалари замбаракларининг кескин тўп отиши паноҳида десантлар кўрғонга яқин масофага туширилади. Тўққиз соат давом этган шиддатли жанг оқибатида, турклар енгилади. Турклар талофати 26 минг ўлдирилган ва 9 минг нафар асирга тушган аскарлардан иборат эди. Руслар 265 замбарак, 42 дона кема, 345 байроқни қўлга киритадилар. Суворов кўшинларидан эса 1815 нафар аскар ўлдирилган, 2455 нафари жароҳатланган. Қизиги шундаки, Исмоил кўрғони ишғол қилинишида русларнинг аскарлари душманга қараганда анча кам бўлган. Исмоил кўрғонини забт этилиши Россиянинг Туркия билан қилган урушига (1791 й.) яқун ясади.

* * *

7 январ. Бу кун Православия мазҳабидаги христианлар энг катта байрамлардан бири Рождество (Исо алайҳиссалом туғилган кун) ни нишонлайдилар. Черков иерархиясига кўра, бу Пасхадан кейинги улкан байрам ҳисобланади. Қадимги Русда Рождество Святка байрами билан уйғунлашиб кетган. Шу кунга қадар Рождество ва Чўқинтириш оралиғи 12 кун ҳисобланади.

* * *

1825 йил 18 январда Большой театр тантанали очилган. У 1801 йили ёниб кетган Пётр театри ўрнида қурилган (Москвада ёнғинлар тез-тез содир бўлиб турган). Бинонинг архитектори руслашиб кетган италян Осип Бове

ҳисобланади. Бино пешгоқидаги от ва ҳайкаллар муаллифи Пётр Клодтдир. Ҳайкалтарош Клодт кўплаб от ҳайкаллари яратган. Санкт-Петербург машҳур Аничков кўпригида қад кўтарган ва бошқа от ҳайкаллари унинг ижод маҳсулидир. Бугунги кунда Большой театр нафақат Россия, балки дунёнинг энг маълум ва машҳур опера ва балет театри ҳисобланади.

* * *

1755 йил 25 январ. Императрица Елизавета Петровна «Москва университетини ташкил этиш ҳақида» ги фармонга имзо чеккан. Шундан бошлаб ушбу сана россиялик талабалар куни ҳисобланади (2005 йили мамлакат президенти буни расман тан олди. Черков календариди ҳар бир сана муқаддас шахслар билан боғлиқлиги боис, ушбу байрам ўзининг иккинчи номига эга бўлди. У муқаддас Татьяна билан боғлиқ

«Татьяна куни» дея аталадиган бўлди). Байрамлар тарихи узок тарихга тақалишига қарамасдан, одатлар ўзгармасдан келмоқда. Талабалар бундан юз йил илгари қандай нишонлаган бўлсалар, 21 асрда ҳам шундай қаршиламоқдалар, яъни қувноқ ва тўполон қилиш билан. Айтганча, бу куни полиция ходимлари ўта кайф талабаларга тегишмаган. Бордию, бундай ҳолатни кўрган бўлсалар, жимгина келиб, «жаноб талабага ёрдам керакмасми?» дея мурожаат қилганлар.



Мол булак

Молиявий муваффақият манбаи

*Молбулак-
Россиядан
қароргоҳингиз!*

www.molbulak.ru

Гаровсиз гуруҳий заёмлар

**Кизғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистондан келган
мигрантларга тақдим этади:**

- Воситачи, ишончли шахсларсиз
- расмийлаштиришга энг кам ҳужжат талаб қилган ҳолда
- қисқа муддатга қарз бериш
- бепул маслаҳатлар бериш орқали

Тезкор қўнғироқ линияси
8-800-555-71-71

Россия бўйлаб қўнғироқлар бепул

Ҳурматли дўстлар! «Мол.Булак.Ру» МФЖ нинг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларидаги офислари энди дам олиш қўнғироқсиз ишлайди. Шунингдек, Сизларни барча регионлардаги офисларимизга узайтирилган иш кўни ҳисобидан ишлашдан хабардор қилишдан мамнунмиз. Офисларимиз иш графигини www.rabota@molbulak.ru сайтдан билишингиз мумкин.

ООО «МОЛ.БУЛАК.РУ» ОГРН 1107746627779

Ушбу таклиф оммавий оферта эмас.



Мол Булак билан ҳамкорлик қил!



Бизлар:

- МолБулакнинг турли регионларларидаги ўнлаб офисларида ишлашни
- расмий ишга жойлашиш ва маош
- қулай иш графиги
- Бепул корпоратив ўқуви ва тренинги
- Профессинал ва амалда ўсишни

таклиф қиламиз

**Қизиққан номзодлардан ўз
резюмеларини ўшбу электрон
манзилга юборишларини сўраймиз:**
ru.rabota@molbulak.com

Вакансиялар: Заёмлар бериш учун мутахассислар керак

Талаб:

- ёши 22 ёшдан юқори;
- маълумоти олий, тугалланмаган олий;
- фуқаролиги: РФ ёки Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон фуқаролари (вақтинчалик (РВП) ёки яшашга рухсатномаси (ВНЖ) бор бўлиши керак);
- рус тилини озаки ва ёзма равишда мукамал билиши, Ўрта Осиё тилларидан (қирғ, ўзб, тож) бирини билиши;
- коммуникабел, ширинсуҳан ва хожатбарор бўлиши;
- кредит соҳасида иш тажрибаси бор бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади

Асосий вазифаси:

- миқозларни жалб қилиши;
- миқозларга кредит бериш борасида маслаҳатлар бериши;
- миқозларнинг қарз уза олишини аниқлаши;
- кредит олишдаги ҳужжатларни тўлдириш;
- кредитлар

«Мол.Булак.Ру» МЧЖ белгиланган тартибда рўйхатга олинган (ОГРН 1107746627779) Россия микроолия ташкилотидир. Компания ҳақидаги маълумотлар 2120177001168 рақами билан Микроолия ташкилотларининг давлат реестрига киритилган. «Мол.Булак.Ру» МЧЖ Россия ҳудудида «Мўл Булоқ» савдо белгисига бўлган барча ҳуқуқларнинг эгасидир.



Мол булак

Источник финансового успеха

*Моя Булак
- Ваша Родина
в России!*

www.molbulak.ru

Групповые займы без залога

Для мигрантов из Кыргызстана, Узбекистана и Таджикистана

- Без посредников и доверенных лиц
- Минимум документов при оформлении
- Короткие сроки выдачи займа
- Бесплатные консультации

**Телефон горячей линии
8-800-555-71-71**

Бесплатные звонки по всей России

Дорогие друзья, для Вашего удобства офисы ООО «МОЛ.БУЛАК.РУ» в Москве и Санкт-Петербурге теперь будут работать без выходных! Мы также рады сообщить, что наши офисы во всех регионах начинают работать для вас в режиме удлиненного рабочего дня. Режим работы офисов можно уточнить на сайте www.molbulak.ru

ООО «МОЛ.БУЛАК.РУ» ОГРН 1107746627779
Данное предложение не является публичной офертой.



Работай с Мол Булак!



Мы предлагаем:

- Работа в одном из нескольких десятков офисов Мол Булак в различных регионах
- Официальное трудоустройство и зарплата
- Удобный график работы
- Бесплатное корпоративное обучение и тренинги
- Профессиональный и карьерный рост

**Заинтересованных кандидатов
просим отправлять свое резюме
на электронный адрес:
ru.rabota@molbulak.com**

ВАКАНСИИ

ТРЕБУЕТСЯ СПЕЦИАЛИСТ ПО ВЫДАЧЕ ЗАЙМОВ

Требования:

- Возраст: от 22 лет
- Образование: высшее, н/высшее;
- Гражданство: РФ или одной из Республик: Кыргызстан, Узбекистан, Таджикистан (при наличии РВП или ВНЖ);
- Грамотная устная и письменная речь на русском языке. Владение одним из среднеазиатских языков (кырг., узб., тадж.) – преимущество;
- Коммуникабельность, вежливость и отзывчивость;
- Опыт работы в сфере кредитования является преимуществом.

Основные обязанности:

- Привлечение клиентов;
- Консультирование клиентов по условиям выдачи займов;
- Анализ платежеспособности клиентов;
- Оформление документов на получение займа;
- Обеспечение возвратности займов;
- Работа с документацией.

ООО «МОЛ.БУЛАК.РУ» – российская микрофинансовая организация, зарегистрированная в установленном порядке (ОГРН 1107746627779). Сведения о компании внесены в государственный реестр микрофинансовых организаций за номером №2120177001168. ООО «МОЛ.БУЛАК.РУ» является правообладателем товарного знака «Мол Булак» на территории Российской Федерации.



IOM • OIM

Москвадаги Халқаро миграция
ташқилоти Бюроси (ХМТ Бюроси)
хузуридаги меҳнат миграцияси
масалалари бўйича
ахборот-ресурс маркази



Общественная благотворительная организация
Санкт-Петербургский центр
Международного сотрудничества
Красного Креста
St.Peterburg Center for
International Cooperation of
the Red Cross
Public charity organization

Аноним «Тезкор линия» си

8-800-333-00-16

соат 8:30 дан соат 18:30 гача

г. Москва, 2-я Звенигородская ул., д. 12

(«Улица 1905 года» метро бекати)

Бепул қўнғироқ ва маслаҳатлар

**Ахборот-ресурс маркази мутахассислари қуйидаги мавзуда
маслаҳатлар берадилар:**

- Россияга қонуний келиш ва ишлаш
- иш берувчилар билан муносабатлар, ишга оид муаммолар
- мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари учун ўқув, ижтимоий хизматлар кўрсатилиши
- тиббий хизмат кўрсатиш, саломатликни муҳофаза қилишга доир масалалар
- маданий интеграция, рус тилини ўрганиш, мослашиш



IOM • OIM

**Россиянинг хоҳлаган регионидан
ушбу рақамга бепул қўнғирок
қилишингиз мумкин**

8-800-333-00-16



IOM • OIM



IOM • OIM

Информационно-ресурсный
центр
Бюро Международной
организации по миграции
(Бюро МОМ) в Москве



Общественная благотворительная организация
Санкт-Петербургский центр
Международного сотрудничества
Красного Креста
St.Peterburg Center for
International Cooperation of
the Red Cross
Public charity organization

«горячая линия»:

8-800-333-00-16

с 8:30 до 18:30 по будням

г. Москва, 2-я Звенигородская ул., д. 12
(ст. метро «Улица 1905 года»)

Бесплатные звонки и консультации

**Специалисты Информационно-ресурсного центра
предоставляют консультации по следующей тематике:**

- Легальное пребывание и работа в России
- Отношения с работодателем, трудовые споры
- Доступ к образовательным, социальным услугам для мигрантов и членов их семей
- Медицинская помощь, медицинское страхование и защита здоровья
- Культурная интеграция, изучение русского языка и др.



IOM • OIM

**Звоните бесплатно
из любого региона России:**

8-800-333-00-16



IOM • OIM



Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари федерацияси

1919 йили талкил топган Халқаро Федерацияси дунёнинг 186 мамлакатадаги Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой миллий жамиятларини бирлаштиради. Унинг котибияти Женева шаҳрида жойлашган. Халқаро Федерация делегацияси ер юзининг турли мамлакатларида табиий офатлар, техноген ҳалокатлардан жабр кўрган инсонларга, қочоқларга ёрдам бериш билан бир қаторда, соғлиқни сақлашга оид зарур муаммоларнинг ҳал этилишида иштирок этади.

Федерация аъзо жамиятларининг расмий вакили сифатида жаҳон аренасида иш олиб боради.

Россия Қизил Хочи



Россия Қизил Хочи - дунёнинг 178 мамлакатидан 500 миллиондан ортиқ одамларни ўз сафида жамлаган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракатининг ажралмас қисмидир.

1867 йил 3 майда Император Александр II жангларда яраланган ва бемор бўлган одамларга ғамхўрлик қилиш Жамияти уставини тасдиқлайди (1879 йили бу жамият Россия Қизил Ярим ой Жамияти, дея атала бошланган). Император, буюк князь ва княгиналар, юқори лавозимдаги аъёнлар жамиятнинг фахрий аъзолари бўлдилар.

Россия Қизил Хочи фаолияти тарихида энг обрўли жамоат ташкилотига айлана олди.

У миллий жамиятлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш орқали, уларнинг табиий офатлар келтирган зиёнларга қарши курашида, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишида яқиндан кўмак беради.

Федерациянинг асосий кучи - бу дунёнинг деярли барча давлатларида фаолият кўрсатаётган Миллий жамиятларидир. Улар бугунги кунда 97 миллион кўнгилли инсонларни бирлаштирган, 300 минг мутахассис ҳар йили 233 миллион одамга кўмак бериб келмоқда.

У ўз сафида 339 минг аъзони, 80 минг кўнгилли ёрдамчиларни ва 500 доимий ходимларни бирлаштирган ҳолда, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, кейинги ўн йилликда турли офатлардан жабр кўрган инсонларга яқиндан кўмак берди.

Кенг тармоқли фаолияти, регионлардаги бўлимларининг иш самарадорлиги, аҳолининг ишончини оқлаётгани ва кўплаб халқаро алоқаларга эга бўлиш омиллари билан Россия Қизил Хочи бугунги кунда гуманитар соҳасида фаолият кўрсатаётган нуфузли нодавлат ташкилоти ҳисобланади.



**ГУМАНЛИК
ҲОЛИСЛИК**

**Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой
жамиятлари федерацияси**

**НЕЙТРАЛЛИК
МУСТАҚИЛЛИК
ИХТИЁРИЙЛИК**

**БИРЛИК
УНИВЕРСАЛЛИК**



Международная Федерация Обществ Красного Креста и Красного Полумесяца

Международная Федерация, основанная в 1919 году, объединяет в своих рядах Национальные общества Красного Креста и Красного Полумесяца 186 стран мира, имеет секретариат в Женеве и делегации, работающие в различных странах мира, в зависимости от стратегических задач.

Международная Федерация направляет и координирует международную помощь жертвам стихийных бедствий и техногенных катастроф, беженцам, а также принимает участие в решении неотложных проблем здравоохранения. Наряду с оказанием гуманитарной помощи, Федерация проводит работу по укреплению и развитию Национальных Обществ, а через них – возможностей отдельных людей.



Российский Красный Крест

Российский Красный Крест - неотъемлемая часть Международного Движения Красного Креста и Красного Полумесяца, которое объединяет свыше 500 миллионов человек в 178 странах мира.

3 мая (по старому стилю) 1867 года Император Александр II утвердил устав Общества попечения о раненых и больных воинах (в 1879 г. переименовано в Российское общество Красного Креста (РОКК)). Почетными членами Общества стали Император, все великие князья и княгини, многие высокопоставленные светские лица и представители высшего духовенства. Общество находилось под покровительством Императрицы, пользовалось содействием всех правительственных лиц и получило значительные права.

Федерация выступает как официальный представитель своих обществ-членов на международной арене. Она развивает сотрудничество между Национальными обществами и укрепляет их возможности в подготовке к стихийным бедствиям, здравоохранения и социальных программ.

Уникальная сеть Национальных обществ, охватывающая почти все страны мира, -главная сила Федерации. Благодаря сотрудничеству между Национальными обществами, Федерация предоставляет помощь наиболее уязвимым слоям населения. Вместе Национальные общества объединяют 97 миллионов добровольцев и 300 тысяч сотрудников, которые ежегодно оказывают помощь около 233 миллионам человек.

За свою историю Российский Красный Крест приобрёл статус солидной общественно-значимой организации.

Российский Красный Крест, в состав которого входят 339 тысяч членов, 80 тысяч добровольцев и 500 постоянных сотрудников, тесно сотрудничает с МФОККиКП и МККК в области предоставления помощи тем, кто в наибольшей степени пострадал в результате сложностей, которые выпали на их долю в последнее десятилетие.

Благодаря масштабам своей работы, глобальной сети региональных отделений, обширным международным связям и признанию населения, Российский Красный Крест является ведущей в России неправительственной организацией, занимающейся гуманитарной деятельностью.



Основополагающие принципы Международного Движения Красного Креста и Красного Полумесяца

ГУМАННОСТЬ
БЕСПРИСТРАСТНОСТЬ

НЕЙТРАЛЬНОСТЬ
НЕЗАВИСИМОСТЬ
ДОБРОВОЛЬНОСТЬ

ЕДИНСТВО
УНИВЕРСАЛЬНОСТЬ

**Қайдлар учун
Для заметок**

**Қайдлар учун
Для заметок**

Ўзбекча-русча сўзлашгич **Узбекско-русский разговорник**

Составители: Улугбек Далиев, Хабиб Абдуллаев

Дизайн обложки и компьютерная верстка: Диана Григорян

Сдано в набор 11.02.13. Подписано в печать 26.04.13

Формат 140*95мм. Бум. офсетная. Печать офсетная. Усл. печ. л. 12.

«ЎЗБЕГИМ» Маърифий газета

Издатель: Хабиб Абдуллаев

Свидетельство о регистрации средства массовой информации

ПИ №ФС77-24859 от 13.06.2006. Тираж - 10 000 экз.

URL: uzbegim.info E-mail: editor@uzbegim.info

Тел.: +7(968)8945865 Номер для СМС: +7 926 959 2014

при финансовой поддержке

Мол булак

Источник финансового успеха

